Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 76 (5937). ● 19 апрель, 1977 йил ⊙ СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин

РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан араб социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари Сурия Араб Республикасининг президенти Ҳафиз Асад бошчилигидаги САР партия-ҳукумат делегацияси расмий дўстона визит билан 18 апрелда Москвага келди.

Сурия Араб Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико самолёт зинапояси ёнида Ҳафиз Асадни табрикладилар.

СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари К. Ф. Ильяшенко, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Нефть саноати министри Н. А. Мальцев, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитетининг Раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков, Граждан авиацияси министрининг биринчи ўринбосари К. К. Гулаков, СССРнинг САРдаги элчиси Ю. Н. Черняков, бошқа расмий кишилар ҳам Ҳафиз Асадни кутиб олдилар.

Аэродромда САРнинг СССРдаги элчиси Жабр ал-Кафрий, бир қанча мамлакатларнинг СССРдаги дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, Москванинг олий мактабларида таълим олаётган суриялик студентлар, пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари бор эди.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг уч тури—пиёдалар, учувчилар, ва денгизчилар фахрий қоровули саф тортиб турди.

Л. И. Брежнев билан Ҳафиз Асад совет жангчилари сафини айланиб ўтдилар. Сурия Араб Республикаси билан СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Суриялик олий мартабали меҳмонлар ва совет раҳбарлари Ҳафиз Асаднинг расмий қароргоҳи сари мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўтиб борган пойтахт кўчалари ва майдонлари икки мамлакатнинг давлат байроқлари, табрик транспарантлари билан безатилганди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кураш да меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион интернационал таълимот, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун кураш байроғи— марксизм-ленинизм!

4. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, ўнинчи беш йилликнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун курашингиз!

Коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар сари, олға!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз!

Қудратли социалистик давлатимизнинг юбилейини меҳнатда, экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлайлик!

6. Коммунистлар! КПСС XXV съездининг қарорларини бажариш йўлидаги умумхалқ курашининг олдинги сафларида боринг, омманинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлинг!

7. Ер юзида биринчи коммунистик жамият бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун матонатли курашчи —қаҳрамон совет халқи асрлар бўйи шон-шуҳрат қозонаверсин!

8. Яшасин коммунизм қурилишида етакчи куч—Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

9. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси —шонли колхозчи деҳқонлар!

10. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси —совет халқ зиёлилари!

11. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи! Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

12. Яшасин социализмнинг улуғ ғалабаси, КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси —СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бирлиги!

13. Яшасин илғор коммунизм партияси, ишчилар синфининг бутун совет халқининг синалган авангарди —Совет Иттифоқи ленинча Коммунистик партияси!

Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

14. Яшасин халқ ҳокимиятининг энг ваколатли органлари —меҳнаткашлар депутатлари Советлари! Давлатни бошқаришда ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг иштироки кенгаяверсин!

15. Яшасин социал адолатни, чинакам халқ ҳокимиятини, жамият, коллектив ва шахс манфаатларини узвий равишда бирга қўшиб олиб боришни таъминлаётган социалистик демократия!

16. Совет касаба союзлари! Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдирингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби —совет касаба союзлари!

17. Йигит ва қизлар! Марксча-ленинча таълимотни, фан, техника ва маданият ютуқларини қунт билан эгалланглар! Совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтирингиз! КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли равишда бажариш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!

18. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

19. Яшасин социалистик Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, меҳнат ва жамоат ҳаётининг актив иштирокчилари —совет ҳотин-қизлари! Ўз қалбининг қарорати коммунизмнинг бўлажак бинокорлари— болаларни тарбиялашга бағишлаётган оналарга шон-шарафлар бўлсин!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргингизни тинмай такомиллаштиринг, замонавий қурол-яроғ ва янги техникани эгалланг, совет халқининг тинч меҳнатини сергаклик билан мустаҳкам қўриқланг!

Яшасин СССРнинг қаҳрамон Қуролли Кучлари!

21. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз куч-қудрати ва халқ фаровонлигини тинмай юксалтиришнинг негизи бўлган социалистик экономиканг янада ўстириш учун меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини қунт билан оширишга эришингиз!

Беш йиллик иккинчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтаринг!

22. Октябрь юбилейинг муносиб кутиб олиш учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақанинг олдинги сафларида бораётган, беш йилликнинг икки йили топшириқларини 1977 йил 7 ноябргача бажариш учун курашаётган меҳнат коллективларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шоншарафлар бўлсин!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш учун актив курашингиз! План, технология ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамланг! Ишлаб чиқариш резервларидан омилкорлик билан фойдаланингиз, материал, меҳнат ва молия ресурсларини қаттиқ тежашга эришингиз!

24. Саноат ходимлари! Ватанимиз индустриал қудратини янада ошириш ва мустаҳкамлаш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун курашингиз! Техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ўзлаштириш ва улардан яхшироқ фойдаланишга эришингиз!

Янги техника ва прогрессив технологияга кенг йўл берайлик!

25. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қунт билан қурашингиз! Молларнинг турларини янгилаб туришга ,совет кишиларининг талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг!

26. Қурилиш ходимлари! Капитал қурилиш соҳасида КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашингиз! Янги объектларни ўз вақтида ишга туширинг! Тез, соз, тежамли ва замонавий техника негизида қуринг!

27. Транспорт ва алоқа ходимлари! Транспорт ва алоқа воситаларини ривожлантириб, такомиллаштиринг! Халқ хўжалигига хизмат қилишни бутун чоралар билан яхшиланг, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг!

28. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС аграр сиёсатини актив амалга оширинг! Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва химиялаштириш, ерларни мелиорациялаш суръатларини жадаллаштиринг! Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш йўлини қунт билан амалга оширинг!

29. Қишлоқ хўжалиги ходимлари! КПСС XXV съездининг қарорларини амалга ошириш учун қунт билан курашинг, қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишга эришингиз! Ердан, техникадан, ўғитдан, барча моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланинг!

30. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиринг! Юбилей нишонланадиган 1977 йилда кўкламги дала ишларини намунали ўтказишга эришинг! Мўл ҳосил етиштириш учун, чорвачиликни янада юксалтириш учун актив курашингиз!

31. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва уй-жой-коммунал хўжалиқ ходимлари! Хизмат кўрсатиш соҳасини актив ривожлантиринг ва такомиллаштиринг, ишнинг илғор формалари ва методларини жорий қилинг! Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини юксалтириш учун курашингиз!

32. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Жамоат мулкини муқаддас билиб, авайлаб асранг ва кўпайтиринг! Ҳом ашё, ёқилғи, электр энергия, металл ва бошқа материалларни тежашга эришинг!

33. Халқ хўжалиги ходимлари! Профессионал маҳоратингизни қунт билан оширинг, иқтисодий билимларни, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий методларини эгалланг! Меҳнатни илмий ташкил этишни, илғорлар тажрибасини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинг!

34. Инженерлар ва техниклар! Рационализаторлар ва ихтирочилар! Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун қунт билан қурашингиз! Илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширинг, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамланг, фан ютуқларини халқ хўжалигига тезроқ жорий этишга эришинг!

Коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшаётган совет олимларига шон-шарафлар бўлсин!

36. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаринг! Ўз талант ва маҳоратингизни халқ ҳизматига, коммунизм ишига бағишланг, улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратинг!

37. Халқ маорифи ходимлари! Таълимнинг сифатини бутун чоралар билан оширинг! Халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштиринг! Еш авлодни коммунизм идеаллари ва ахлоқий принциплари руҳида, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбияланг!

38. Соғлиқни сақлаш ва физкультура ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшиланг, физкультурани совет кишиларининг кундалик ҳаётига актив жорий этинг!

39. Революция ветеранлари, уруш ва меҳнат ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Ўз билим ва тажрибангизни йигит ва қизларга ўргатинг, ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашинг!

40. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини жон-дилдан севинг, яхши ўқинг, меҳнат малакаларини эгалланг! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланинг!

41. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг марксча-ленинча жанговар авангарди, империализмга қарши тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

42. Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг бузилмас негизида бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

43. Европа коммунистлари! Коммунистик ва ишчи партияларнинг Берлин конференциясида илгари сурилган мақсадларга эришиш учун курашингиз!

44. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Халқаро ишчилар синфининг буюк тарихий ғалабаси, антиимпериалистик курашнинг ҳал қилувчи кучи, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи бўлмиш жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

45. Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг бирлиги ва жипслиги!

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг синалган принциплари негизида социалистик мамлакатлар коммунистик партияларининг бузилмас жанговар иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

46. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

Жанубий-шарқий Осиёдаги тинчлик ва социализм кучларининг муҳим қалъаси — Вьетнам Социалистик Республикаси мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

47. Мард Лаос халқига қардошлик саломи! Социалистик жамият қуриш йўлига ўтиб олган Лаос Халқ Демократик Республикаси мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

48. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига — эксплуатацияга қарши, монополиялар зўравонлигига қарши барча меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия ва социализм учун, фидокорона курашчиларга қардошлик саломи!

49. Мустамлакачилик кишанларини улоқтириб ташлаган, мустақилликни мустаҳкамлаш учун, социал, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг прогрессив йўли учун, халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли, демократик асосда қайта қуриш учун курашаётган халқларга оташин салом!

50. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау ва Яшил Бурун оролларининг халқларига қардошлик саломи!

51. Империализмга ва ирқчиликка қарши, мустамлакачиликнинг ҳар қандай қолдиқларига қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Зимбабве, Намибия, Жанубий Африка халқларининг ирқчи режимларни тамомила тугатиш учун олиб бораётган курашига мадад беришни кучайтирингиз!

52. Фашизм хавфига қарши, империалистик монополиялар зулмига қарши, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун мардона кураш олиб бораётган Латин Америкаси халқларига оташин салом!

53. Замонамиздаги уч асосий революцион куч—жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг енгилмас қудратли иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

54. Халқларнинг озодлиги, демократия ва социализм учун мард курашчилар — турмаларда ва фашизм зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Барча мамлакатларнинг коммунистлари ва меҳнаткашлари! Террор ва репрессияларнинг тўхтатилиши учун курашга янада активроқ қўшилингиз!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

55. Фашист реакциясига қарши мардона кураш олиб бораётган Чили ишчилар синфига, барча меҳнаткашларига ва демократларига қардошлик саломи!

Жаҳон халқлари! Чили ватанпарварлари билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

Фашист хунтасининг барча тутқунлари озод қилинсин!

56. Жаҳон халқлари! Яқин Шарқдаги барча давлатлар ва халқларга адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун, империалистларнинг Араб мамлакатлари ички ишларига аралашувига қарши, Исроил агрессиясининг оқибатларини батамом тугатиш учун курашдаги куч-ғайратингизни оширинг!

Совет Иттифоқи халқлари билан Араб мамлакатлари халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

57. Европа мамлакатларининг халқлари! Умумевропа кенгашининг якунловчи актини тўла-тўкис амалга оширишга, Европани тинчлик, хавфсизлик, ҳамкорлик ва социал тараққиёт қитъасига айлантиришга қунт билан эришингиз!

58. Ўз мустақиллигини империалистлар ҳамласидан фидокорона ҳимоя қилаётган Кипр халқига оташин салом!

Жаҳон халқлари! Барча ажнабий қўшинлар Кипр территориясидан олиб чиқиб кетилишини, унинг суверенитети ва территориал бутунлиги ҳурмат этилишини талаб қилингиз!

59. Демократик ғалабаларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун, ўз мамлакатининг эркини ва мустақил тараққиёти учун фидокорона кураш олиб бораётган Португалия ишчилар синфига, барча меҳнаткашларига оташин салом!

60. Озодлик учун, ўз мамлакатини демократик асосда янгилаш учун курашаётган Испания ишчилар синфига, барча тараққийпарвар кучларига оташин салом!

61. Осиё мамлакатларининг халқлари! Қитъадаги давлатларнинг биргалашиб қиладиган ҳаракатлари негизида Осиёда тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун, хавфсизликни таъминлаш учун курашингиз!

62. Жаҳон халқлари! Халқаро кескинликни юмшатишни кучайтириш учун, уни турли соҳалар тузумдаги давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг конкрет формаларига айлантириш учун курашингиз! Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг душманлари бўлмиш агрессия, реваншизм ва реакция кучларининг кирдикорларини фош қилингиз!

63. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларда қонун бўлиб қолишига, ядро қуроли эса абадий тақиқланишига эришингиз! Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қурол-яроғларнинг тўпланган запасларини камайтиришга, қуролсизланишга ўтиш учун курашингиз!

64. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва дўстлиги сиёсати, империализмга, реакцияга ва урушга қарши қурашаётган барча кучларни жипслаштириш сиёсати!

Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программаси тўла-тўкис рўёбга чиқсин!

65. Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

66. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм қурилишида янгидан-янги ғалабалар сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

АНЪАНАВИЙ ПУШКИНХОНЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўп милдатли совет адабиёти ва санъатини ривожлантиришда ,меҳнаткашларни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда катта роль ўйнаётган Пушкин ижодий меросини пропаганда қилиш ва ўрганишни янада яхшилаш мақсадида ҳар йили июнь ойининг иккинчи якшанба куни Ўзбекистон шаҳарлари, посёлкаларида, барча аҳоли пунктларида анъанавий пушкинхонлик ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзига, китобсеварлар жамиятига, республика маданият, маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кинематография, телевидение ва радиоэшиттириш, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетларига, рассомлар, композиторлар, кинематографчилар союзларига, театр жамиятига, Фанлар академиясига пушкинхонликни биргаликда ишлаб чиқилган планга мувофиқ ўтказиш ва бу планда Пушкин ижодий меросини, жаҳон прогрессив, рус классик, замонавий адабиётини. СССРдаги қардош республикалар ва социалистик мамлакатлар ёзувчиларининг асарларини кенг пропаганда қилиш; адабий жараён масалалари юзасидан, маданий ҳаётда катта воқеа бўлиб қолган адабиёт ва санъат асарлари юзасидан, кўп милдатли совет адабиёти ва санъати ривожида Пушкин мероси проблемалари ва бадиий ижодкорликнинг бошқа проблемалари юзасидан мунозаралар ва илмий конференциялар, зиёлиларнинг йиғилишларини ўтказиш, бу тадбирларга Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикалар адибларини таклиф этиш; ёзувчилар иштирокида кўргазмалар, китоб бозорлари, адабиёт ва санъат арбобларининг меҳнаткашлар билан учрашувларини, спектакллар, концерт ва телевидение программалари, кинофильмларнинг кўрикларини ўтказиш, Пушкин тематикасига оид бошқа тадбирларни кўзда тутиш тавсия этилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳар йилги анъанавий пушкинхонликларни ўтказишда ижодий союзларга, муассасаларга ва маданият идораларига ёрдам бериш таклиф қилинди. ЎзТАГга, республика, область газеталари ва журналларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига республикада пушкинхонликларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишни кенг ёритиш топширилди.



ЎЗБЕКИСТОН пойтахти ҳисобланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Родней Арисменди (ўртада) Тошкент метрополитени «Ленин номли майдон» станциясида ўтказилган коммунистик шанбаликда қатнашди.

А. Абалян фотоси.

Тошкент, 16 апрель

Коммунистик шанбалик ўтказувчи республика штаби 16 апрель кечкурун В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган меҳнат байрамининг дастлабки якунларини чиқарди. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, шанбаликда 6 миллион 660 минг киши— қатнашди. Бу кишиларнинг ярмидан кўпроги саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда банд бўлди, қурилиш майдонларида, транспортда, дала ва фермаларда ишлади. Шу куни 31 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди, қарийб 8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисидан миллионлаб киши аҳоли пунктларини ободонлаштириш иши билан шуғулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов шанбаликда қатнашдилар.

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев, СССР Фанлар академиясининг академиклари Ю. В. Бромлей, Н. Н. Иноземцев, мухбир аъзолари М. Т. Иовчук, Т. Т. Тимофеев, Е. М. Чехарин, «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг бошқа қатнашчилари шанбаликда ишладилар.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

18 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида партия, совет, хўжалик, маъмурий органлар ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг олдини олиш ва жамиятга зид ҳаракатларга қарши кураш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Ҳ. Х. Яҳёев доклад қилди.

Республика прокурори Н. Б. Бўрихўжаев, Ўзбекистон ССР Қурилиш министри С. А. Омеров, Бухоро область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Ананишев ва бошқалар кун тартибидаги масалани муҳокама қилишда қатнашдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МИЛЛИОНЛАРНИНГ МЕҲНАТ БАЙРАМИ



УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

16 АПРЕЛЬ. Дам олиш куни. Лекин, бепоён мамлакатимиз, шу жумладан областимиз шаҳар ва қишлоқлари узра яратувчилик меҳнати симфонияси баралла янгради. Катта-кичик, кексаю-ёш — ҳамма меҳнаткашлар Улуғ Октябрь инъом этган эркин меҳнат қўйнида жавлон урди. Миллионлаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ўзлари учун муқаддас, шон-шуҳрат, шараф рамзи бўлиб қолган меҳнат постларини эгалладилар.

Барча завод-фабрикалар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари, колхоз ва совхозларда худди оддий иш кунларидагидек фидокорона бунёдкорлик меҳнати бир зум ҳам тўхтамай давом этди. Лекин, бу умумхалқ ҳашаридаги меҳнатнинг маъноси, мазмуни ўзгача бўлди, оддий кундагидан фарқ ҳам қилди .Ўзини кўз-кўз қилса арзигулик порлоқ тақдири, янада жозибадор, мафтункор ғурурли истиқболидан, жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қилаётган оталарча ғамхўрликдан қалби оламолам қувончга тўлган совет кишилари мисли кўрилмаган кўтаринки руҳ, зўр ғайрат, шижоат билан ишладилар. Бунинг учун ҳеч қандай ҳақ олмадилар.

Шанбаликлар ўтказиш совет кишиларининг қон-қонига, жон-жонига сингиб кетган, йилдан-йилга мазмунан бойиб, камол топиб бораётган ажойиб ватанпарварлик анъаналарининг энг муқаддас, энг олийжаноб, энг оммавийларидан бири. Умумхалқ хашари ҳар йили апрель ойи шанба кунларининг бирида ўтказилади. Бу меҳнат байрами халқимизнинг жонажон Коммунистик партия ишига, мамлакатимизда коммунизм қуришдек оламшумул-тарихий вазифани бажариш ишига, совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш шароитини яхшилаш режаларини амалга ошириш ишига содиқ эканлигининг ёркин намунаси сифатида ҳам беқиёс катта аҳамиятга эгадир.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг иккинчи йилида ҳам шундай умумхалқ хашари ўтказиш ташаббусини Ватанимиз пойтахтидаги қатор саноат корхоналари коллективлари бошладилар. Бу ташаббус бир зумда бутун мамлакатимиз узра қанот қоқди. Барча совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари ҳам бу ватанпарварлик ҳаракатига бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб қўшилдилар. Бу йилги умумхалқ меҳнат байрами совет кишилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун қизғин кураш олиб бораётган бир вақтда ўтди. Коммунистик шанбалик иккита шоили сана — башарият доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейига бағишланди.

Ажойиб анъанамиз тарихи совет халқи очлик ва вайронагарчиликни мардонавор енгиб, жаҳон тарихида янги ижтимоий тузумни барпо этишга киришган вақтдан бошланади. Бу ватанпарварлик ҳаракати бундан сал кам 60 йил илгари Москва—Сортировочная депосида илк қадам қўйди. Депонинг 15 большевик ишчиси ўз хохишлари билан ишдан кейин қолиб, 12 апрелга ўтар кечаси 10 соат давомида учта паровозни ҳеч қандай ҳақ олмай ремонтдан чиқардилар. Бу эркин меҳнат қўйнида ишлаш нашидасига муяссар бўлган ишчиларда шакллланаётган янгича онг, меҳнатга янгича муносабатнинг дебочаси эди.

Дастлабки шанбаликлар иштирокчилари ўзлари бошлаган бу ҳаракат жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолишини ўйламаган ҳам эдилар. Лекин, улуғ доҳий В. И. Ленин шанбалик Октябрь социалистик революциясидан кейин меҳнаткашлар онгида рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар негизида пайдо бўлганлигини дарҳол пайқади. Уни коммунистик меҳнат қарор топиши учун ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади ва «Буюк почин» деб атади. Бу ватанпарварлик ҳаракатини кенг кўламда ёйиш зарурлигини уқтирди. Шу-шу коммуинистик шанбаликлар ҳар йили 22 апрель арафасида умумхалқ байрами сифатида ўтказиладиган бўлиб қолди, мазмунан бойиб, камол топаверди.

Анъанага мувофиқ умумхалқ хашари куни тушган иш ҳақи доим халқ хўжалигини ривожлантириш фондига ўтказилмоқда. Бу маблағларнинг ҳаммаси совет кишиларининг социал, маданий эҳтиёжларини қондиришдек хайрли ишга сарфланмоқда. Биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва халқ маорифини яхшилашга, ҳунар-техника билим юртлари тармоғини кенгайтиришга, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом камол топтириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга ажратилмоқда. Бизнинг областимизда ҳам шундай маблағ ҳисобига қатор объектлар қурилмоқда. Жумладан, Тошкентнинг Юнусобод массивида кўп профилли болалар касалхонаси, Ангрена 280 ўринли мактабгача ёшдаги болалар комбинати ва бошқа шундай муассасалар барпо этилянти.

Областимиз меҳнаткашлари «Қизил шанбаликлар»да фаол қатнашиб, уни ҳақиқатан ҳам коммуинистик меҳнат байрамига, юксак самарадорлик ва сифат кунига айлантирмоқдалар. Ўтган йилги умумхалқ хашарида юзларча минг меҳнаткашлар қатнашиб, ўн бир миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқардилар, кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди, юзларча минг тонна халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга етказиб беришди.

Бу йил ишчи коржомасидаги меҳнат байрами лиэда кенг нишонланди. Областимиздаги барча шаҳарлар ва районлар меҳнаткашлари шанбаликда юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш, оддий иш кунларидагига қараганда унумлироқ ва сифатлироқ ишлашга интилдилар. Ҳамма жойда шанбалик юксак даражада зўр уюшқоқлик билан ўтди, унинг иштирокчилари меҳнати натижаси баракали ва салмоқли бўлди. Унда бир миллион 700 мингга яқин киши иштирок этди, ўнинчи бешйиллик фондига 1,5 миллион сўм атрофида маблағ ўтказилди.

Умумхалқ ҳашари совет халқининг ғоявий якдиллигини, Коммунистик партия ишига содиқлигини, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканлигини кўрсатади. Ўтган коммунистик шанбалик мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришга, партиямизнинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган инсонпарвар шиорининг изчил рўёбга чиқарилишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

ЯНГИ ОБЪЕКТДА

16 АПРЕЛЬ куни бўлиб ўтган «қизил шанбалик»да озиқ-овқат саноати ҳамда маҳаллий саноат министрликларининг ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Улар шанбаликни ҳақиқий коммунистик меҳнат байрамига айлантириб, пойтахтимизнинг марказий майдонини ободонлаштиришда қатнашдилар. Суратларда министрликлар ходимлари шанбаликда.

А. Абалян фотолари.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли 15-қурилиш бошқармасининг В. Ильинский бошлиқ комплекс бригадаси коллективи 16 апрель куни янги объектда ишлади. Бригада «4-Қўйлиқ» массивида болалар боғчасини қуришга муддатидан ярим ой илгари киришган эди. Бу эса коллектив шундан аввалги объект бўлган мактаб қурилишини белгиланганидан ярим ой илгари битказганлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун бошланган ҳаракат ишда муваффақият қозониш гарови бўлди. Бригададаги ҳамма кишилар 2-3 касбни эгаллашган, уларнинг кўпларя бир нечта рационализаторлик таклифларини киритишган. Бу эса шанбалик кунида бир ярим нормани бажаришга имкон берди.

(ЎзТАГ).

КОММУНАЛЧИЛАР ҲИССАСИ

СЎНГГИ йиллар ичида областимизнинг барча шаҳарлари ва районларини кўкаламзорлаштириш, боғ ва чаманзорларга айлантириш борасида кўп ишлар қилинди. Районлар марказларида, шаҳарларда, аҳоли пунктларида истироҳат боғлари, ҳиёбонлар, гулзорлар ташкил этилди. Бундай ишларни олиб боришда ҳар йили ўтказилаётган ободончилик ойликлари, шанбаликлар катта роль ўйнамоқда. Ана шундай вақтларда кўплаб мевали, манзарали дарахт кўчатлари экилаётир, ирригация тармоқлари тартибга келтирилянти.

ШУ йилнинг март, апрель ойларида областдаги корхоналар, ташкилотларда бир неча марта шанбаликлар уюштирилиб, уларда 290 минг киши қатнашди. Улар кўчалар четидаги ариқларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, ҳиёбонларни тартибга келтиришда актив иштирок этдилар. Ҳаммаси бўлиб 453 мингтадан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 86 минг квадрат метр майдонда гулзорлар ташкил этилди. Область бўйича 477 минг метр узунликдаги ирригация тармоқлари тозаланди.

Бу ҳайрли ишда Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Янгиўл шаҳарлари ва Ўрта Чирчиқ, Тошкент, Оҳангарон районларининг меҳнаткашлари актив иштирок этдилар.

Область коммунал хўжалик ташкилотлари меҳнаткашлари коммунистик шанбаликни ҳам алоҳида уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ҳамма жойда бу меҳнат байрами таронасини мадҳ этиб музика садолари янгради. Эрта тонгда минг-минглаб кишилар шаҳар ва қишлоқларни ҳуснга буркаш учун отландилар.

Чирчиқ шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг ходимлари байрамни уюшқоқлик билан нишонладилар. Улар деярли ҳар бир корхона ва ташкилотда кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларга ёрдам бердилар. Ободончилик ишида актив қатнашган корхоналарга ва шанбалик илғорларига вимпеллар, значоклар топширилди.

Областимиз коммуналчилари коммунистик шанбаликни катта меҳнат шодиёнасига айлантиришди. Улар тўхтовсиз давом этаётган ленинча анъанага ўзларининг муносиб меҳнатлари билан ҳисса қўшдилар.

М. ТОШМАТОВ,
область коммунал хўжалик бошқармаси ободончилик бўлимининг бошлиги.

ШАНБАЛИК ҲИСОБИДАН ШИФОХОНА

ШАНБА куни пойтахт областимизнинг ишчи ва хизматчилари, қурувчилар ва бошқа касб эгалари ўз меҳнат постларида бўлдилар. Улар навбатдаги коммунистик шанбаликни ҳамжиҳатлик билан ўтказиб, бу умумхалқ байрамига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида меҳнат қилишди. Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш илғорлари одатдаги кунлардагидан ҳам кўра самарали ва сифатли ишладилар. Ана шу минглаб, ўн минглаб кишилар қатори Тошкентдаги 4-трестнинг 4-қурилиш бошқармасидан Неъмат Абдуллаев бошлиқ комплекс бригада бунёдкорлари ҳам ўз объектларида фидокорона меҳнат қилишди. Уларнинг режалари салмоқли эди. Бунинг боиси бор: бригада азаматлари барпо этаётган кенг профилли болалар касалхонаси Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида тушган маблағ ҳисобига қурилмоқда.

Бу объектнинг пойдевори Юнусобода 1973 йилнинг февралида қўйилган эди. Унинг қурилишига жами 3,5 миллион сўм маблағ ажратилган. Дастлаб бу шифохонани Улуғ Октябрь 60 йиллиги нишонланадиган шу йил фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Кейинчалик эса болалар касалхонаси ёнида яна бир алоҳида янги касалхона қурилиши бошланди ва унга 2,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиликда бу ёнма-ён жойлашган икки касалхонани бир вақтда фойдаланишга топшириш учун қурилиш-монтаж ишлари янада авж олдирилянти.

Бу ерда кенг миқёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўрган киши бутун бошли касалхоналар шаҳарчаси барпо этилаётганлигининг гувоҳи бўлади. Дарвозадан киравершида улкан поликлиника бинои қад кўтариб турибди. Поликлиника бир йўла 500 беморни қабул қила олади. Ундан кейин ёнма-ён, жойлашган касалхона корпуслари кўзга ташланади. Кенг профилли 300 ўринли болалар касалхонаси жами 7 та корпусдан иборат. Уларнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари деярли тугатилди. Бундан бу ёнга айрим камчиликлар ниҳоясига етказилгач, «эстафета» пардозловчиларга топширилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу Ўрта Осиёда биринчи марта бунёд этилаётган экспериментал касалхонадир. Аввалгиларига нисбатан ҳар бир бемор ҳисобига жойнинг ҳажми кенглиги, ҳар томонлама қулайликларга эга бўлганлиги билан фарқ қилади. Жумладан, оғир касал билан оғриган болаларнинг оналари билан бирга ётиб даволаниши учун ҳам барча шароитлар мавжуд бўлади. Палаталар кенг ва ёруглиги билан ажралиб туради. Бу объектга қардош республикалардан вакиллар келиб, тажриба ўрганиб кетишди. Яқинда Фрунзе шаҳридан келган қурувчи-мутахассислар бирнеча кун бўлиб, объектда амалга оширилаётган амалий ишлар билан танишдилар. Улар ҳам худди шу лойиҳа бўйича шундай касалхона қурилишига тайёргарлик кўришаётган экан. Экспериментал касалхона лойиҳасини «Гипроницздрав» институти Ўрта Осиё филиалининг лойиҳачилари чизиб беришган. Бу лойиҳа асосида Грузияда ҳам ва ҳатто Мўғулистонда шундай касалхона қурилиши бошланган.

Ҳозирги кунларда Неъмат Абдуллаев бошлиқ комплекс бригада аъзолари шифохона ёнидаги Роза Люксембург номли янги шифохона корпусини қуришмоқда. 200 ўринли касалхона тўртта корпусдан иборат бўлади. Унинг биринчи корпусида шанбалик куни катта миқёсда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Биринчи корпусни май ойининг охирида қуриб битказиш мажбуриятини олганмиз,— дейди прораб Омон Эгамбердиев,— қурилиш материаллари вақтида келиб турса, бундан ҳам илгарироқ муддатда битказишимиз мумкин. Неъмат ака бригадасининг барча аъзолари тажрибали, ўтюрак бунёдкорлардир. Бригадирнинг ўзи чорак асрдан буён қурувчи касбини шарафлаб келмоқда.

Юбилей йилининг биринчи квартали плани ортиғи билан адо этилди. Пландаги 120 минг сўмлик ўрнига 130 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Йил охиригача олтита корпусни фойдаланишга топшириб, 900 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз.

Қурилиш майдонида иш қизғин. Бригада аъзоларининг кўпчилиги янги шифохона биринчи корпусининг учинчи қаватида меҳнат қилишяпти.

— Неъмат ака, машина келмаяпти, мен тепага чиқаверайми?— қичқиради пастда турган йигит.

Юқорида турган Неъмат ака катта йўлга қараб бу томонга келаётган ағдарма машинани дарров таниди шекилли, жавоб берди:

— Ана, уч юз келаяпти, анави колонканинг тагига тушир, икки юзни эса нариги чеккага олиб бор.

Уч юз — бетоннинг маркаси. Юқори сифатли. Бу бетон бир-бири билан пайвандланган темир-бетон устунларнинг туташтирилган жойларига қуйилади. Икки юз эса сифати пастроқ, бошқа ҳамма жойга ишлатилаверилади. Кранчи Валя Васильеванинг кўли-қўлига тегмайди. У гоҳ темир-бетон устунларни, гоҳ янги келтирилган тайёр бетонни учинчи қаватда ишлаётганларга етказиб бериши керак. Бундан бошқа яна қанчадан-қанча ишлари бор.

— Шунинг учун ҳам монтажчиларимизнинг шанба кунлари мунтазам ишлашини ,ташкил этганмиз,— дейди бригадир.— Чунки бошқа қурувчилар дам олгани учун кўтарма кранга иш камроқ бўлади, фақат монтажчиларга темир-бетон буюмларни етказиб бериб турази.

Шанбаликда монтажчилар Адҳам Ниёзов, Ҳусниддин Низомов, пайвандчилар Абдукарим Асқаров, Михаил Мартинов, ғишт терувчилар Алижон Комилов, Ёқуб Иноятов, бетончилар Альфия Мирахмедова, Ҳамид Раҳматуллаев каби заҳдор қурувчилар кунлик нормаларини 1,5—2 баравар ошириб бажаришди. Бу куни тушган маошнинг ҳаммаси ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

Шанбаликлардан тушган маблағ ҳисобига бунёд этилаётган жами 500 ўринли болалар кўш шифохонаси ва поликлиника пойтахтликларга хизмат кўрсатадиган вақт узоқ эмас.

Ҳ. АЛИМОВ.

ДАЛАДА ШОДИЁНА

БУ кун одатдаги иш кунларидан фарқ қиларди. Колхоз маркази, бригада шийпонлари ўзгача дид билан безатилган. Шийпон пештоқларига «Ҳамма коммунистик шанбаликка», «Меҳнат байрамида актив иштирок этайлиқ» каби шиорлар осилган.

Москва автозаводи ишчи-хизматчиларининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ҳамда доҳий В .И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллиги олдидан коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусларини ҳамма қатори Калинин районидаги Куйбишев комли колхоз меҳнаткашлари ҳам зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Колхозчилар коммунистик шанбаликка пухта ҳозирлик кўришди.

Меҳнат байрамида 3380 киши далаларда меҳнат қилди. Улар орасида колхоз қурилишининг ветеранлари, пенсионерлар, колхоз территориясида жойлашган ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари бор эди. Тонг саҳарданоқ меҳнат байрами иштирокчилари чеҳрасида қувноқлик, тетиклик аломатлари акс этиб турарди.

Колхозчилар шу куни кенг кўламдаги ишларни амалга оширдилар. Шаҳарликлар дастурхонига кўплаб эртаки сабзи етказиб беришди. 8 гектар майдонга помидор кўчати экилди. 20 гектар майдонда баравж ривожланаётган эртаки карам кўчатига қайта ишлов берилди. Хўжаликнинг боғ ва токзорларида ҳам баракали ишлар амалга оширилди. Дарахтлар таги юмшатилиб, турли зараркунандаларга қарши дори сепилиб, оқланди. Тутзорлар озиқлантирилиб суғорилди.

Бу ишлар айниқса, хўжаликнинг З. Юнусов, Э. Тошпўлатов ўртоқлар етакчилик қилаётган сабзавотчилик, С. Шукуров бошлиқ богдорчилик бригадасида, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказилди.

Райондаги 22-ўрта мактабининг 200 дан ортиқ юқори синф ўқувчилари колхозчи ота-оналарига яқиндан ёрдам беришди. Ўқувчилар кўчи билан 21 минг туп турли хил мевали дарахтлар оқланди, уларга ишлов берилди. Меҳнат байрамида биргина шу мактабнинг юқори синф ўқувчилари беш йиллик фондига 560 сўм маблағ ўтказдилар.

Колхоз далалари оқшомгача меҳнат байрами иштирокчилари билан тавжум бўлиб турди.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) колхозчилардан А. Файзиев, Р. Аҳмедовлар шаҳарликларга жўнатилаётган сабзи сифатини кўздан кечирмоқдалар. (Пастда) хўжалик пайкалларида эртаки карам кўчатларига ишлов бериш пайти.

Б. Сафаров фотолари.

ЗАРБДОР ВАХТАДА

ЕНГИЛ металл конструкциялари тажриба заводи пойтахтимиздаги ёш корхоналардан бири .Унинг ишга туширилганига энди уч йил бўлди. Лекин шу қисқа давр ичида корхона коллективи пешқадамлар сафидан ўрин олди. Ҳозирги кунда заводимиз маҳсулоти Чехословакия, Польша, Мўғилистон, Жазоир, Ироқ каби чет элларга ҳам экспорт қилинмоқда. 1976 йил социалистик мусобақа якунлари бўйича коллективимизга Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилиши биз учун катта ғалаба бўлди.

Мана шу муваффақиятлардан руҳланган ишчи ва хизматчиларимиз коммунистик шанбаликни зўр уюшқоқлик билан ўтказдилар. Механизация участкасида 70 киши қатнашиб 4750 дона втулка, 3100 та болт, 3 минг дона муфта, 400 та коннектор тайёрлашди. 51 кишилик пайвандлаш участкасининг ишчилари 2056 дона стержень, устунлар учун 12 та таянч плитаси пайванд қилишди. Шунингдек, асбобсозлик, алюминий конструкциялар ишлаб чиқариш участкаларида ҳам минглаб сўмлик ишлар бажарилди.

Шанбаликда жами 230 киши қатнашиб, маошнинг ҳаммаси ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

В. КОМИЛОВ,
Тошкент енгил металл конструкциялари тажриба заводининг ишчиси.

* * *

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли Тошкент тажриба экспериментал механика заводи ишчи ва хизматчиларидан 580 киши шанбаликка чиқди. Булар заводдаги мавжуд 14 та цех ва бошқармаларнинг ходимларидир.

Корхонада шанбалик куни 32 тонна металл конструкциялари ва 20 минг сўмлик бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу куни тушган 1100 сўм маош ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

М. ФЕЛЬДМАН,
бинокор-инженер.

* * *

Қизил шанбаликда Ангрен шаҳри саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ҳам актив иштирок этишди. Резина-техника буюмлари заводида ҳам одатдаги иш кунидек меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурди. Шанбаликда қатнашган 955 кишининг ярмига яқини бевосита станоклар ёнида меҳнат қилиб маҳсулот ишлаб чиқардилар. Тежалган ҳомашё ва материаллардан 2 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўнинчи беш йиллик фондига 3015 сўм ўтказилди.

Шаҳардаги Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР 50 йиллиги ҳамда Ангреннинг 25 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғларида кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ороми гоҳларда Тошкент область медицина институти ҳамда медицина билим юртининг студентлари меҳнат қилдилар.

А. РАЗЗОҚОВ,
И. АҲМЕДОВ.

* * *

Қўрғонча луб заводида шанбаликка 258 киши чиқди. Улар шу куни 12 тонна каноп толаси ишлаб чиқардилар.

К. ЎТЕГЕНОВА,
Қуйи Чирчиқ райони.



ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



СУРАТЛАРДА: овоз режиссёри (чапда) Н. Ҳасанов овоз сифатини текшириб кўрмоқда, овоз режиссёри А. Тимохин (ўнгда) ўз ҳамкасблари Т. Умурзоқов ва Р. Кимга тажрибаларини ўргатмоқда.

НАФОСАТ ХАЗИНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН радиосининг ярим асрлик тарихида ёзилган турли эшиттиришлар, қўшиқлар, куйлар, радиопьесалар, партия, совет, маданият, санъат арбобларининг чиқишлари махсус плёнкаларда — фонотекада сақланиб келинади. Бу фонотекани нафосат хазинаси деса бўлади. Унинг ишчан, новик таъб хизматчи— қизларига 1945 йилдан бери Роза Фатхўддинова бошчилик қилади. Роза ҳар бир ёзувнинг олтиндан қимматлигини яхши билади, қадрлайди. Эфирга бериш учун танланган музика ва бошқа ёзувларни пухта текшириб кўради. Ҳаммаси тўғри эканлигига қаноат ҳосил этгач, оператор қўлига узатишга руҳсат беради. Бу масъулиятни ҳис этиш унинг халқ маданий меросига ва ўз касбига садоқати ва ҳурматидандир.

Ўзбекистон радиоси яратган фонднинг ўзи ҳозир 4968 соатдан ортади. Москвадан олинган моно ҳамда стерео ёзувлари 3277 соатни ташкил этади. Бундан ташқари вақтинчалик муддатга ёзилган эшиттиришлар ҳам мавжуд. Бу катта ҳажмдаги ёзувлар такомиллашиб бораётган юксак радиотехниканинг — XX аср маҳсулидир. Бу ишда албатта малакали радиоходимларнинг улкан хизматлари бор.

Нафосат хазинасида кўплаб нодир ёзувлар бор. Улар маданиятимиз, тарихимиз, санъатимиз, адабиётимиз ва умуман Социалистик Ўзбекистонимиз ривожига фидоийлик қилган, улкан меҳр қалдирган атоқли шахсларнинг овозлари, қўшиқлари ва ўйнаган роллари ёзилган қимматли хазинадир. Шу хазина шарофати билан радиотингловчилар тез-тез Ленин мукофотининг лауреати академик шоир Ғафур Ғулом, атоқли адиб Ойбек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Шайхзода каби шоирларнинг овозлари туширилган магнит ленталарини эшитиб турадилар, уларни сафимизда тирик юргандек ҳис қиладилар.

Саҳна устаси, ўзбек театр санъатида юқори поғонага кўтарилган СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятовнинг «Отелло»си бир неча йилдирки жаҳонга машҳур бўлган уста Олим Комилов каби созандаларнинг санъати, академик Юнус Ражабийнинг «Шашмақом» номли монументал ёдгорлиги нодир лентлар орқали яна узоқ-узоқ йиллар жаранглаб туради. Халқ ардоқлаган қўшиқчилар Жўракон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Карим Зокиров, Назира Аҳмедова каби ўнлаб санъаткорларнинг ўткир нафаси халқ билан бирга, мангу санъаткорлар сафида.

Бундан ташқари радиофонотекасида магнит ёзувлари қўллангунгача яшаб ўтган санъаткорларнинг аввал пластинкаларга ёзиб олинган овозларини магнит плёнкаларга кўчириб қўйилган. Булар ҳам нодир ёзувлар сифатида хазинамиз дурдонасига айланган. Масалан: Тўйчи ҳофиз қўшиқлари, Абдукодир наййининг чалган куйларини сиз такрор-такрор эшитгансиз.

Шоир Ҳамид Олимжоннинг шеър ўқиган овози эса кинолентадан кўчириб олинган. У ҳам севимли шоирнинг нафасини авлодларга таништиришга.

Бундай жуда кўп нодир ёзувлар радиотингловчиларга яхши таниш. Улар тарихий ҳужжат сифатида авайлаб сақланади.

ҚАРДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Бизнинг фонотекамизга ўзимизнинг яратган асарларимиздан ташқари қардош республикаларнинг қўшиқлари, эшиттиришлари ёзилган плёнкалар келиб қўшилиб туради.

Ҳудди шунингдек, бизнинг санъат асарларимиз кўчирилган плёнкалар қардош республикаларнинг радиофонотекаларидан ўрин олиб, ўзбек санъати, адабиёти ва бошқа соҳалари билан қардош халқларни таништиришга боради. Бутуниттифоқ радиоси эса мунтазам равишда янги-янги эшиттиришлар, қўшиқлар йўллаб туради.

Бизнинг эшиттиришлар ҳам тез-тез Москва радиоси орқали жаранглаб туради. Бу эса Бутуниттифоқ радиофонотека хазинасига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан далолат беради.

Демократик мамлакатларнинг ёзувлари ҳам фонотекамиз жавонларидан ўрин олмоқда. Бу эса ўзбек радиотингловчиларини жаҳон халқларининг маданияти, санъати ва адабиётидан баҳраманд қилмоқда.

1947 йилдан бошлаб республикамизда магнит плёнкасига ёзув бошланди. Унгача «Шонафон» деган аппарат ишлатилар эди.

Ҳозир эса республика радиоси стереофоник записларга эга, мураккаб стереофоник пультларнинг инженерлари етишиб чиқди. Музика билимини эгаллаган ҳамда пультларини эркин бошқарадиган овоз режиссёрлари мутахассислиги дунёга келди.

ОВОЗ РЕЖИССЁРЛАРИ

Бу хазинани яратувчилардан бири — овоз режиссёрларидир. У музика билимини ва адабиётини пухта билган, жуда сезгир, эшитиш қолибиятига эга бўлган киши бўлиши керак. Бўлмаса сакта чалинган куй, нотўғри урғу берилган дикциялар магнит ленталарига ёзилиб қолиши мумкин. Бу эса эшиттиришлар қимматини туширади. Эстетик таъсирини йўқотади. Шунинг учун музика билимига эга бўлган истеъдодли кишилар овоз режиссёрлиги вазифасига ишга таклиф қилинади. Яқин йиллар ичида бу мураккаб ва новик санъатнинг усталари етишиб чиқди. Улар ўз вақтида шогирдларига новик ва ноёб касбни ўргатиб кетдилар ва ўргатмоқдалар.

Ўзбекистон радиосининг 50 йиллик тарихида марҳум овоз режиссёри Анатолий Иванович Тимохиннинг хизмати катта. Унинг номини зўр ҳурмат билан ёдга оламиз.

Анатолий Иванович ҳаётидаги асосий иш фаолиятини радиода ўтказди. У биринчи бўлиб республикада микрофонни узун кабель билан юқорига осиб қўйиб, ёки жойидан жилдириб туришни қўллайбошлади. Бундай бўлган эди: СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятовнинг Отелло монологини ёзиш пайтида уни микрофон ўрнатилган стол ёнидаги стулга таклиф қиладилар. Аброр ака: «Кечирасизлар, мен ўтириб ўқийолмайман, чунки ҳолатга киришим керак» деган. Шунда Анатолий Иванович ўйлаб туриб, микрофонни штативдан чиқазди-да, узун сим қилиб шипга осиб қўяди. Шундан сўнг Аброр Ҳидоятов монологини зўр маҳорат билан ижро этади. Бу ноёб ёдгорликнинг ёзилиш тарихи ана шундай.

Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олган Тимохин ўз билимини умр бўйи ўзбек миллий совет санъатини магнит лентларида абадийлаштиришга сарф қилди. У ёзиб олган қатор «Гулсара», «Лайли ва Мажнун» опералари, музикали драмаларнинг радиомонтажи, атоқли композиторларимиз Мухтор Ашрафий, Тўлибжон Содиқов, Мутал Бурҳонов, Монас Левиев, Сулаймон Юдаковларнинг симфоник ва йирик хор асарлари, халқ чолғу оркестрлари учун ёзилган оратория, кантата, сюиталари Ўзбекистон радиофонотекасининг ардоқли асарлари қаторидан ўрин олган. Буларнинг тиниқ ижро этилиши, оркестр чолғуларининг бир-бирига уйғун жаранглаши, қўшиқчиларнинг аниқ ижроси, ҳаммаси овоз режиссёри Анатолий Иванович устоз сифатида кўп шогирдлар тарбиялади. Марҳум Юрий Александрович Сальников (1925—1972), Михаил Ильич Прокофьев, Оқил Валиевлар шундай шогирдлар жумласидандир.

Овоз режиссёрлигининг новик ишини шу кунларда ўз касбининг моҳир устаси Наби Ҳасанов олиб бормоқда. Наби Ҳасанов ўзининг ширин сўзлиги, чуқур музика ҳиссиётига эга эканлиги ҳамда радиотехникани яхши билиши, ўзбек адабиётига иҳлосмандлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бир мисол: 1967 йили Дони Зокировнинг Маъруф Қориев шеърлари асосида яратилган «Ленин даҳоси» кантатасини «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройида ёзиб олишга тўғри келди. Чунки радионинг катта студияси эълзилардан зарар кўриб, ҳали тикланган йўқ эди. Шунда беш қисмли кантатанинг муҳим бир қисми ёзилган лента қандайдир сабаб билан новаик кўчирилганлиги маълум бўлди. «Энди нима қилиш керак!» — деган савол туғилди. Яна 100 га яқин хор артистларини тўплаш керак. 60 кишилик халқ чолғу оркестри, ёзиб олиш аппаратларини олиб бориш, солист Насим Ҳошимовни қайта чақириш керак. Бу яна канча оворагарчилик, ташвиш. Шунда Наби Ҳасанов ўйлаб туриб: «Шошманг, тўғрилаш мумкин», — деди. Ва ишга киришиб кетди. Бирнеча магнитофонга баланд-паст овозда лентани кўчириб, асл қолига келтирди. Бу асарни сиз радио орқали тез-тез тинглаб турасиз. Бундай мисоллар беҳисоб. Наби Ҳасанов эски пластинкалардан шовқинни ажратиб, қўшиқ ёки нутқнинг аниқ ўз ҳолича тиклашда ҳам моҳир. Хожи Абдулазиз, Тўйчи ҳофиз каби ўнлаб санъаткорларнинг овозини бизга эски пластинкалардан тиниқ қилиб лентага кўчириб берган.

Ҳозир Ўзбекистон радиоэшиттиришларида стереофоник ёзувлар деган сўз тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бундай ёзувлар бир кунда тўрт соат эшиттирилади. Стереофоник ёзув тингловчи қалбига яна ҳам завқ бағишлайди. Илгари монофоник ёзувларни тинглаб келган шинаванда стереофоник ёзувларни эшитса кўпроқ таъсирланади. Наби Ҳасанов ана шу мураккаб стереофоник ёзув аппаратларини ҳам тезда ўзлаштириб олди. Ҳозир бу юзлаб бошқариш пульти, ўнлаб микшерларига эга бўлган аппаратлар Наби Ҳасановнинг қўлида яйраб ишлайди.

Наби Ҳасановнинг бунчалик ўз касбини мукаммал ўзлаштириш сири ўз ишига чексиз муҳаббатидандир. Наби Ҳасановнинг шогирдлари бор: юқори музика билимига эга бўлган Виталий Гушин, Тўхташ Умрзоқовлар Наби Ҳасановнинг шогирларидир.

Ўзбекистон радиосининг музика ёзиб олиш редакцияси олтин фонд учун мунтазам равишда асарлар ёзиб боради.

Ўзбекистон Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитетининг бадиий коллективлари: халқ чолғу оркестри, камер оркестри, этнографик мақомчилар ансамбли, уйғур ашула ва рақс ансамбли, эстрада оркестри, болалар хори тайёрлаган яхши музика асарлари лентага туширилиб борилади. Бу коллективларнинг йиллик, квартал ва ойлик репертуар планлари олдиндан редакция ходимлари ва комитет раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Янги ёзиб олинадиган қўшиқ, сюита, кантата асарларининг текстлари дастлаб Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг қўшиқ секциясида кўрилади.

Янги қўшиқлар ёзилишидан аввал, музикашунослар, шоирлар иштирокида «Қиличбадиий кенгаш» ўтказилиб муҳокама этилади, тасдиқдан ўтган асар лентага ёзиб олинади.

Композиторларнинг янги музика асарлари композиторлар Союзида кўрилади ва Союзнинг тавсияси билан ёзиб олинади.

Асарлар магнит лентасига ёзиб олингач катта бадиий кенгашда яна тингланади, маъқул топилса эфирга — олтин фондга қабул қилинади. Музика ёзиб олиш редакцияси ўз бадиий коллективлари билан бир қаторда бутун республика музика маданиятини ҳам магнит плёнкасига ёзиб боради.

Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театри артистларининг репертуарларини, опера монтажларини, Муқимий номли республика музикали театри артистларининг янги репертуарларини, музикали драма монтажларини мунтазам равишда ёзиб олинмоқда.

Республикамиз областларига эса махсус ёзиб олувчи аппаратлар ўрнатилган машина билан, махсус ижодий бригада чиқиб область театри артистларининг репертуарларидаги асарларни ҳам ёзиб келмоқда. Лентаеларга туширилаётган дурдона асарлар бугунги кунимизнинг маданият садоси, эртанги кунимизнинг ноёб меросидир.

Софья БУХАРАЕВА,
Ўзбекистон радиоси музика ёзиб олиш бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СОҒУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ОҲАНГАРОН. (Ўз мухбиримиздан). Унинч беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун курашаётган Ворошилов номли совхознинг сут соғувчилари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Беш йилликнинг дастлабки йили катта кўрсаткичлар билан якунланди. Ҳар бир соғин сигирдан 2811 килограммдан сут соғиб олиниб, 845 тонна маҳсулот топширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Мактубига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган сут соғувчилар юбилей йилида янги марраларни эгаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар Улуғ Октябрь байрамининг 60 йиллиги тўйигача 1000 тонна сут топшириш мажбуриятини олишди. Сут соғувчилар ўзларига биркитилган молларни меҳр билан парваришлаб, рацион асосида боқмоқдалар. Шу туфайли ҳам ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 500—600 килограмм кўпайди. Сут соғувчилар ишни мусобақа асосида йўлга қўйиб, кундан-кунга кўп маҳсулот топшираётирлар. Гулсун Чиниева, Нури Ҳамраева сингари соғувчилар кундалик нормани ортиги билан бажармоқдалар. Маҳсулот асосан 1 сортга қабул қилинаяпти.

— Биз,— дейди совхоз директори У. Умурзоқов,— илғор чорвадорларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Уларнинг тажрибаларини оммалаштирмоқдамиз. Натижада зиммага олинган мажбуриятимизни тезроқ бажариш, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштириш имкониятига эга бўлинмоқда.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҚАЛБ ТАШАККУРИ

Яхши шифокор аввалambor тил билан, ҳушмуомала билан беморни даволайди, дейишади. Буни беморликни бошидан кечириб, биронта шифохонада даволанган ҳар бир киши яхши билади. Мен ҳам яқинда Тошкент Давлат медицина институти юқумли тери касалликлари клиникасида бир ойга яқин муддат даволаниб, бунга ишончҳосил қилдим. Бу даргоҳда медицина ҳамширасидан тортиб профессоргача беморга самимий муносабатда бўлади. Тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга уларга ширин сўзлари билан ҳамдард бўладилар, тез орада даволаниб кетишига маънавий мадад берадилар.

Медицина фанлари доктори Усмон Мирахмедовнинг муолажаси ва ҳушмуомаласи ҳар бир кишида ниқ таассурот қолдиради, касалини бир зум бўлсада унутишга ундайди. Бўлим бошлиғи Зокир Толипов, ассистентлар К. Камзалова, Б. Любин, катта ҳамшира Р. Сидерова, ҳамширалар Қ. Мирзахонова, Ҳ. Аҳмедова, Н. Абдуллаевалар ўз вазифаларининг масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда уни сидқидилдан бажараётганликлари кишининг ҳавасини келтиради, уларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади.

Мен юзлаб беморлар қатори мана шу шифокорларнинг билимдонлиги ва ҳушмуомалалиги туфайли қисқа муддатда оғир дарддан дарғ бўлиб, яна севимли ишимни давом эттирмоқдаман. Раҳмат сизга, меҳрибон шифокорлар!

А. АБДУҚОДИРОВ,
Оржоникидзе районидаги Улуғбек номли 37-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

Я. КАДАР НУТҚИ

БУДАПЕШТ. Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар социалистик меҳнат бригадалари раҳбарларининг Умумвенгрия кенгашида нутқ сўзлади. Бизнинг бутун халқимиз, деб таъкидлади у, ўзининг куч-ғайратини ВСИП XI съезди қарорларини бажаришга, ривожланган социалистик жамият қуришга сафарбар этмоқда.

Венгрия халқи ижтимоий тараққиётнинг олдинги сафларида бораётгандиги, унинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардан иборат содиқ иттифоқчилари мавжудлиги, деди сўзини давом эттириб Я. Кадар, социалистик қурилишнинг муҳим халқаро шартидир.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАВАНА. Чили ишчи-деҳқонлар партияси (МАПУ) Бош секретари Хайме Гасмури бу ерда қуйидагиларни айтди: Чили халқининг жирқоий фашист хунтасига қарши курашида Совет Иттифоқининг, Куба ва бошқа социалистик мамлакатларнинг, бутун халқаро ишчилар ҳаракатининг бирдамлиги ёрдами бизнинг кучимизга куч бағишлайди, душман устидан галабага бўлган ишончимизни кучайтиради. Хайме Гасмури узоқ вақтгача Чилида яшириин шароитда партиявий ишлар билан машғул эди. Ҳозирги вақтда эса Европа ва Латин Америкасининг бир қанча мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда.

Х. Гасмури Чилидаги ҳозирги аҳволни таърифлаб, хунта сиёсати барбод бўлганлиги натижасида миллий экономика жуда оғир таназзилга учради, мамлакат ўз тараққиётида бир неча ўн йил орқага суриб юборилди, деди.

ЗАИРДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. Жанубий Заирнинг Шаба вилоятида ҳукумат қўшинлари билан қўзғолончиларнинг отрядлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Заир ҳукумати қўзғолон кўтарган аҳолига қарши жуда кўп қўшинларни ташлади. Ғарб агентликларининг хабар беришича Заирнинг жанубида бўлиб ўтган оғир жанглар натижасида қўзғолончилар 20 километр масофага чекинтирилган. Марокашнинг бир ярим минг кишилик экспедиция корпуси жанг ҳаракатларига биринчи марта қатнашди.

Конго миллий-озодлик фронтининг Бельгиядаги ваколатхонасининг маълум қилишича, Брюсселда қўзғолончиларга қарши курашиш учун ёлланганларни танлаш бюроси очилган. Мазкур бюро ҳозироқ Киншасага бир неча юз кишини юборди, деди ваколатхона вакили.

МИНИСТРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛУСАКА. Замбия ишлар министри С. Мвале «Санди таймс оф Замбия» газетаси билан суҳбатда бундай деди: Замбия Заир авиацияси ўтган ҳафта мамлакатнинг шимоли-ғарбий вилоятида қишлоқларни ва госпитални бомбордимон қилганлиги ҳусусида Заир ҳукуматидан расмий равишда изоҳ беришни кутмоқда.

Замбия деб таъкидлади у, Заирдаги воқеаларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тинчликсевар мамлакатдир. С. Мвале Заир бизнинг мол-мулкимизни бомбардимон қилишга ва йўқ ишга сира ҳақли эмас, деб уқтириб ўтди.

АМЕРИКА ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ТАЛАБИ

НЬЮ-ЙОРК. «Нью Уорлд ревью» журнали уюштирган ва «кескинликни юмшатишга энг кўп эътибор берилсин: Янги вазифалар ва янги истиқболлар» шиори остида ўтган Америка жамоатчилигининг учрашувида АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл сўзга чиқди. Ҳозирги шароитда деди у, халқаро вазият учун хал қилувчи нарса Америка билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабат масаласидир. Инсониятнинг бутун келажаги шуларга, шунингдек икки буюк давлат ўртасида келиб чиқадиган проблемаларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Воқелик шуни кўрсатиб турибдики, Совет Иттифоқининг бутун дунёга машҳур бўлган ички тинчликсевар сиёсатига қарши АҚШ ҳукумати ҳамон «совуқ уруш» даврига қайтиш хавфини тугдирадиган сиёсатни қарама-қарши қилиб қўймоқда.

Қўшма Штатларнинг Москвадаги мухокараларда илгари сурган таклифлари Совет Иттифоқига нисбатан шундай беъмани сиёсатнинг намунаси бўла олади.

ТЕЛЬ-АВИВДАН ЁРДАМ

НИКОЗИЯ. Бу ерга келаётган хабарларга қараганда, Тель-Авив Ливанинг ўнг христиан кучлари учун озиқ-овқат жўнатишга киришди. Исроилда тузилган «Жанубий Ливанга ёрдам комитети» ўтган ҳафта Ливаннинг ўнг унсурларига озиқ-овқат ортилган саккизта юк автомобилини юборди.

(18 апрель, ТАСС).

ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙИНИ ОЧАМИЗ

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада қишлоқларда олиб борилаётган капитал қурилиши ҳам алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳамма жойдагидек бизнинг районимиз колхоз ва совхозларида ҳам қишлоқ қурилиши ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Кўплаб янги-янги хўжалик бинолари, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар қурилмоқда.

Коллективимиз ана шундай шарафли ишни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётганлиги билан ҳақли равишда фахрланмоқда. Чунки биз ўзимизнинг бунёдкорлик ишларимиз билан колхозлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, деҳқонларнинг маданий турмуш даражасини ошириш, қишлоқларимизни ободонлаштиришга ёрдам бераяпмиз.

Зиммаларидаги вазифанинг шу қадар масъулиятли эканлигини яхши тушунган бинокорларимиз зарбдорчасига меҳнат қилмоқдалар. Ўзларининг бутун маҳоратларини сарфлаб ишлашяпти. Натижада коллективимиз меҳнат кўрсаткичлари кўпгилдагидек бўлмоқда. Тўқкизинчи беш йилликни дурустякунладик. Ўтган йилги ишимиз натижалари ҳам чакки бўлмади. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 103,5 процент қилиб адо этилди. Қўшимча 60 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Районимиздаги қатор колхозларда бир қанча объектлар ишга туширилди. Мичурин номли колхозда 250 квадрат метрга яқин турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бошқа хўжаликларда ҳам катта-кичик объектлар қўлдан чиқарилди.

Ютуқларимиз ҳақида гап кетганда социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизда асосий ишлаб чиқариш звеноси ҳисобланган бригадалар ўртасида мусобақани йўлга қўйишга катта эътибор берилмоқда. Улар ўртасидаги меҳнат беллашувига ҳар ойда якун ясалади. Пешқадам бригадага вимпел топширилади ва квартал давомида ғолиблик қиладиган бўлса, пул мукофоти билан ҳам тақдирланади.

Қўчқор Эгамқулов раҳбарлик қилаётган комплекс бригада аъзолари доим пешқадамлар сафида бормоқда. Бу бригада кўпинча мусобақа ғолиби бўляпти. Бунда бригадирнинг роли катта бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Қўчқор Эгамқулов қурилишга оид кўпчилик касбларини пухта эгаллаган. Бунинг устига унинг ташкилотчилик қобилияти ҳам яхши. Янги келганлар, бригада аъзолари сафига қўшилганлар унинг сидқидилдан берган ёрдами туфайли тез орада танлаган касбларини ўрганиб олишади. Бригада ўзининг аҳиллиги ва иноқлиги билан ҳам бошқаларга намуна бўлмоқда. Бинокорларнинг кўпчилиги олий ва махсус ўрта ўқув юртларида, ишчи-ёшлар мактабларида сиртдан ўқишяпти.

Пешқадам бригада аъзолари республикамиздаги 15 илғор бинокорнинг ташаббусига биринчи бўлиб қўшилишди. Улар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йиллик планни эса уч йилда бажаришга аҳд қилдилар. Эндиликда эса бу ваъдаларини тўла-тўкис бажариш йўлида филокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Маҳмуд Йўлдошевнинг номи районимизда машҳур бўлиб кетди. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини адо этиш юзасидан олган шахсий мажбуриятини муваффақиятли бажармоқда. Унинг сменадаги ўртача иш кўрсаткичи 200—210 процентни ташкил этаяпти. Шунингдек, Н. Раимқулов ва М. Эшонқуловлар бошчилик қилаётган коллективлар ҳам социалистик мусобақада яхши натижаларга эришмоқдалар. Донгдор бинокор Н. Злобин усулида ишлаётган Мурод Нурмонов раҳбарлигидаги комплекс бригада ютуқлари салмоқли бўлмоқда. Чунки янгиликни қўлланиш яхши самара бераяпти. Бирғина меҳнат унумдорлиги 15 процент ошди. Кўплаб бинокорлик материаллари тежаб қолинмоқда.

Қурувчиларимиз бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олишган. Ўтган йилдагига қараганда 235 минг сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини амалга оширамиз. Йил давомида сут-товар комплекси, 784 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси, бир неча уй-жойларни барпо этамиз. Айни вақтда қурилиш ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш объектларни ўз вақтида яхши баҳолар билан фойдаланишга топширишга эришамиз. Чунки бу бизнинг энг асосий вазифамиз, ишимиз мезонидир.

А. АГИТАЕВ,
Бўка район колхозлараро қурилиш бошқармасининг бошлиғи.




БОЛГАРИЯ. Плевен шаҳридаги А. Халачев номли тўқимачилик комбинатининг маҳсулоти дунёнинг кўпгина мамлакатига экспорт қилинади. Суратда: комбинат цехларидан бирида.

БТА—ТАСС фотоси.

ПОЙТАХТИМИЗДА кўплаб ҳашаматли иморатлар қад кўтариб, шаҳримиз чиройига-чирой қўшмоқда. Сиз суратда кўриб турган тўққиз қаватли бу янги турар-жой биноси Луначарский шоссесида қад кўтарди. Бинонинг пастки қаватида саноат моллари билан савдо қилувчи магазин жойлашади.

А. Абалян фотоси.



ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОСИ

ЛАВҲА

Сочларига билинар-билинмас оқ оралаган, ўрта бўй, тўлагина, истараси иссиқ бу аёл ҳақида жуда кўп илиқ гапларни эшитганман. Маиший хизмат кўрсатиш уйи ходимлари уни ҳурмат билан тилга олишади. Бу, албатта бежиз эмас...

— Азиза Дўстмуҳамедовна, бу қизларнинг гапини қаранг,— дея эшикдан кирар кирмас куйиниб сўзлай кетди мастер Нина Лапина.—Тикувчи бўлишармиш. Эндигина ўқишни тугаллашипти-ю, дарров ишга киришмоқчи. Тикувчиликка ҳам ўқиш керак десам, ўрганиб кетамиз деб бошимни қотиришяпти.

— Қизларнинг ўзи қани? —жилмайиб сўради цех бошлиги.— Ҳали ҳам ёшларга ишонмайсан-да, Нина.

— Э, қўйсангизчи уларни, игна ушлашни билишсаям ип ўтказишолмайди. Фақат светофорга ўхшаб ранг-баранг кийиниб юришни билишади.

— Ҳаҳ-ҳаҳ, Ниночкаей,— хандон ташлаб кулди, Азиза опа.— топган ўхшатишингни қара-я. Қани, чақирчи уларни.

Мастер шунча гапдан кейин «нима деяпсиз ўзи» дегандай елкасини қисди-ю, бош чайқаб чиқиб кетди. Сал фурсат ўтгач эшик ишончсизлик билан секингина очилиб, хонага қорачадан келган, кўнғироқ сочи битта қилиб ўрилган ўзбек ва мовий кўзлари порлаб турган рус қизи кириб келишди. Уларни Азиза опа ёқимли табассум билан қарши олди. Қизларни ёнига ўтқазиб бирин-кетин саволлар бера бошлади. Қизлар ҳам бу аёлнинг ўзларига хайрихоҳлигини сезиб қолишганданми, тўлиб-тошиб иккиси ўртоқлигини, болаликдан орзулари тикувчи бўлиш эканлигини, уйлари яқин орадалигини гапириб беришди.

— Бўпти қизларим, эртадан ишга келаберинглар, сизларни синаб кўрамиз. Лозим топсак, ўқишга ҳам юборамиз.— Азиза опа шундай деб қизларни кузатиб қолди.

Қизлар унинг хонасидан қалблари ҳаяжондан энтикиб чиқиб кетишаркан, Азиза опа ўз болалигини эслаб кетди, шекилли бир зум хаёлга толади...

Мактаб ёшига етган Азизанинг қўлида кўғирчоқни кўрган онаси: «Ҳалиям боласан-да қизим», деб кўйиб қўярди. Қизининг ўз қўғирчоқларига қийқимчалардан «боплаб» кўйлакчалар тикишини у кейинроқ сезиб қолди-ю, лекин болалигидаги ҳавас деб унчалик эътибор бермади. Кейинчалик Азиза 10-синфни муваффақиятли тугатгач, уни ана шу ҳавас тўрт йиллик билим юртига етаклади. Азиза устки кийимлар тикиш бўйича мастер бўлиб етишди. У дастлаб ателъега ишга келганида олган назарий билимларининг ўзи етарли эмаслигини ҳис этди. Амалий иш билан кўпроқ шуғулланиши керак эди. Азиза шундай қилди. Иши, хулқи, муомаласи, жамоат ишларидаги активлиги билан коллектив ҳурматини қозонди. Кейинчалик уни цех бошлиги қилиб тайинлашди.

Энди Азиза ўзида бошқача масъулият сезарди. Бошлиқ ҳар бир хизматчининг қалбига йўл топа олиши мастер Зебинисо Умарова.

Ҳа, Азиза Эшмуҳамедова ана шундай, давримизнинг оқила, меҳнатсевар аёлларидан. Мана, қарийб 30 йилдирки, у ҳаддий, лекин шарафли касби туфайли одамлар олқишига, ҳурматига сазовор бўлмоқда. Азиза опа бошқараётган Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги якка буюртмалар бўйича кийим тикиш ва ремонт қилиш бирлашмасига қарашли ателье ҳар йили аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планини ошиғи билан бажаради. Фақат ўтган йилнинг ўзида бу коллектив аҳолига 110 минг сўмлик хизмат кўрсатди.

Ателье хизматчилари Октябрь 40 йиллиги, Висол, Жарқўрғон каби кўчаларда истиқомат қилувчиларга, шунингдек, районимиздаги Панель завод, ёғ-мой комбинати, 3-қурилиш тресті, атир-упа фабрикаси ишчиларига хизмат кўрсатишади. Кунига ўнлаб буюртма қабул қилишади.

Бу ерда тикув цехлари барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Аҳоли талабига мос келадиган материаллар яхши реклама қилинади.

Цехларни, тикиш хонасини айланиб, яна Азиза опанинг ишхонасига кирдик. Унинг иш столи устидаги бежиримгина гулдонда яллиғ товланган икки жуфт лола турарди. Азиза опанинг кўзи уларга тушиши билан чеҳрасига яна табассум ёйилди.

— Қаранг-а, табиат шу гулларни нақадар санъаткорона яратган, нафислигини айтинг. Биласизми мен баҳорни, гўзалликини яхши кўраман. Назаримда бутун гўзаллик шу баҳор сўзида жамлангандек., Яхши дид билан кийинган хотин-қизларни, кишиларни кўрсанг, гўзаллик — баҳор билан учрашгандек дилинг равшан тортади. Кийимнинг ўзингга мос, чиройли тикилган бўлса, меҳнатинг ҳам унумли бўлади. Шогирдларимга ҳам ҳар доим шундай дейман.

Азиза опа маиший хизмат кўрсатиш аълочиси. У кўп йиллик хизматлари эвазига Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини юбилей медали билан, Ўзбекистон ССР маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Биз Азиза опа билан хайрлашар эканмиз, унга аҳолига хизмат кўрсатишдек шарафли ишларида муваффақият тиладик.

Х. ВАФОЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



АМАЗОНИЯ

ГУЛЛИВЕРЛАРИ

АМАЗОНИЯНИНГ инсон қадами етмаган чангалзорларида гигант одамлар учраб туриши ҳақида турли маълумотлар бор. Яқинда Перудан шундай хабар келди: Сен-Мартин департаментининг ғарби-шимолида, қуюқ тропик ўрмонзорда яна жуда баланд бўйли одамларни кўришган. Уларнинг бўйи салкам икки метр келиб, бадани жигарранг, сочлари қизғиш тусда ва жингалак ҳамда узун эмиш. Улар силовсин терисини ёпиниб олишган, қўлларида болта, болға бўлган. Бўйиларига яшил рангли тош шодалари осиғлик ҳолда юришаркан.

Айтишларича, булар ҳам инк қабилаларига, ҳам испан босқинчиларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, енгилмаган қабилаларнинг авлодлари бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда индеецларнинг афсоналарида худди шундай қиёфадаги қабилалар тилга олинади.

МУСТАҲКАМ

ИДИШЛАР

АҚШДА пиво, шарбат ва мевадан тайёрланган ичимликларни сақлашга мўлжалланган ғалати идишлар чиқарилди. Ғалатилиги шундаки, улар зангламайдиган пўлат тунукалардан ишланган. Бундай идишлар алюмин ёки шиша идишларига нисбатан анча қимматга тушмайдими? Гап шундаки, пўлат идишларни ишлаб чиқаришдан аввал инженерлар билан бир қаторда иқтисодчилар билан ҳам маслаҳатлашиб кўрилди. Улар ҳисобига кўра, бундай идишларни қайта-қайта ишлатиш мумкин, улар узоқ вақтга чидайди ва шу боисдан пировардида шиша ёки алюмин идишларга нисбатан унча қимматга тушмайди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
87-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНДИ: токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, газ-электр пайвандчилар, операторлар, дурадгорлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАВ ВА ТЕХНИКУМ БОР.

Ўн йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга ўрганган мутахассислиги ва ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

УҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҚУШИЛАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти ҳақида, мактабдан характеристика, справкалар: медицина справкаси, (286-форма). турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; 6 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-23, 53-95-21, 53-95-26.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети
В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН
И. С. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

МЕТАЛЛАР БЎЙИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЛАР ВА УНИВЕРСАЛ ФРЕЗЕРЧИЛАР, УЧУВЧИ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЕГОЧ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДУРАДГОРЛАР,

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАҚИДА АТТЕСТАТ ВА КАСБЛАРИ ҲАҚИДА ДИПЛОМ ОЛИБ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА БОРАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ҳамда кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

ЎҚИШЛАР ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ФАН КАБИНЕТЛАРИДА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бундан ташқари билим юртида спорт майдонлари муҳайё, қуйидаги спорт секциялари ишлайди: бокс, эркин кураш, футбол ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар ўқиш даврида бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина картаси (тасдиқланган), турар жойидан справка, 4х5 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, Т—2 формадаги шахсий карта.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 329-уй (20-трамвай ва 30-автобуснинг «166-билим юрти» бекати), қабул комиссияси.



МИРА Шоназарова Бўстонлиқ районидаги энг яхши пионер вожатийлардан биридир. У Ғазалкент шаҳридаги Абай номли область пионер ташкилоти ўзи вожатийлик қилаётган биринчи мактабда 4 йилдан буён ишлаб келмоқда. У советининг аъзоси ҳамдир. Суратда: Мира Шоназарова пионерлар орасида.

В. Портнов фотоси.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ ТАРИХИ

ЛОТЕРЕЯНИНГ ўз тарихи бор экан. Чунончи бизнинг мамлакатимизда у Улуғ Октябрь социалистик революциясигача чиқарилган. Уша вақтдаги лотереялар кўпроқ садақа бериш ҳақидаги илтимосларга ўхшаб кетарди. Айниқса, майиблар ва етим-есирлар фойдасига садақа бериш учун чиқарилган лотерея билетларида буни яққол кўриш мумкин. Бундай билетлар биринчи жаҳон уруши олдидан эълон қилинган эди. Бу уруш оддий халқ бошига жуда кўп кулфатларни солди. Лекин шунга қарамай, бойлар бундай лотереяларда «фақат тузуккина наф» кўрсаларгина қатнашишга рози бўлишарди.

Биринчи совет лотерея билетларида янги рамзий белгилар — болға, чўқмол, шахтёрлар лампочкаси акс эттирилганди. Бундай суратлар 1922 йилда Бутунроссия кон ишчиларн иттифоқининг Донецк губернияси бўлими чиқарган билетларда бўлган эди. Уша вақтда буюм ютуқлари жуда кам эди. Биринчи навбатда зарур бўлган предметлар — камзул, пойафзал, фуражка, мануфактура буюм ютуқлари ҳисобланарди.

Орадан икки йил ўтгач, биринчи Бутуқуқраина лотереясининг ютуқларида жоди, плуг, сеялка, тикув машиналари каби буюмлар бор эди. Яна орадан бир неча йил ўтгач, лотерея билетлари эгаларига глиссер ёки радиоприёмник, мотоцикл, ҳатто аэрочана эгаси бўлиб қолишлари мумкин эди.

Мамлакатимиз юксалиб, кучқудрати ортиб борди, халқнинг фаровонлиги беқиёс ошди. Ҳозирги вақтда чиқарилаётган лотерея билетлари ҳам ана шундан далолат беради. Бизнинг давримизда лотерея билетларига тўланадиган ютуқлар орасида мамлакатимиздаги энг яхши завод ва фабрикалар маркаси билан чиқариладиган қимматбаҳо буюмлар ҳам бор.

ФУТБОЛ

МАЙДОНЛАРИДА

Спорт

Ўтган шанба ва якшанба кунлари мамлакат чемпионатининг олий, биринчи лигаси ҳамда иккинчи эшелони қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Олий лига вакиллари ўртасида бўлиб ўтган 7 та ўйинда 12 та тўп киритилди. Уч учрашувда мезбонлар ғолиб келишган бўлса, уч ўйин дуранг бўлиб тугади, бир матч меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Сафарда ғалабага эришган команда «Арарат» футболчилари бўлиб, улар Куйбишевда «Крилья Советов» устидан 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. Бошқа учрашувлар натижаси билан танишинг: «Торпедо» — «Черноморец» — 1:0, «Динамо» (Киев)—«Заря» — 1:1, ЦСКА — «Динамо» (Тбилиси) — 0:0, «Нефтчи» — «Зенит» — 3:2, «Днепр» — «Карпат» — 1:0, «Динамо» (М) — Қайрат» — 0:0.

I лига вакиллари Москванинг «Спартак» ҳамда Минскнинг «Динамо» футболчилари иккинчи тур ўйинларини сафарда ўтказишиб, мағлубиятга учрадилар. Спартакчилар Кишиневда «Нистру»дан 2:3 ҳисобида енгилишган бўлса, Запорожьеда «Металлург»га 0:1 ҳисобида ютқаздилар.

«Пахтакор» «Кузбасс» коллективини қабул қилди. Бу учрашув тошкентликлар устунлигида ўтди ва 2:1 ҳисобида тугади. Тўпларни 24-минутда А. Корченов, 29-минутда К. Баканов ва 54-минутда А. Новиковлар киритишди. «Пахтакор» бу учрашувда тўла устунлик қилган бўлсада, иккитадан ортиқ тўп кирита олмади. Бунинг сабаби рақиб ҳимоячилари яхши ўйнашган бўлса, ҳужумчиларимиз яратилган имкониятлардан тўла фойдалана олишмади. Командамиз навбатдаги икки ўйинни сафарда «Рубин» ва «Звезда» коллективлари билан ўтказади.

Иккинчи турнинг бошқа ўйинлари қуйидагича тугади. «Спартак» (И-Ф) — «Шинник» — 2:2; «Кривбасс» — «Динамо» (Л) — 4:1; «Помир» — «Уралмаш» — 2:0; «Торпедо» — «Звезда» — 1:0; «Колхозчи» — «Рубин» — 3:1; «Таврия» —«Терек» — 0:1.

ЧЕК ТАШЛАНДИ

«Пахтакор» СССР кубогининг ⅛ финалида Смоленскнинг «Искра» команда билан учрашади. СССР спорт комитети чек ташлаш йўли билан мамлакат кубоги мусобақаларининг навбатдаги босқичида беллашадиган жуфтликларни аниқлади. Тошкентлик футболчилар ўйинини сафарда ўтказишади.

24 апрелда Греция футболчилари билан бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувида қатнашадиган терма командамиз ўйинчилари рўйхати тасдиқланди. СССР терма командаси сафида пахтакорчи Владимир Федоров ҳам бор.

* * *

Иккинчи лига қатнашчиларининг биринчи тур ўйинлари натижали бўлди. «Янгиер» ўз майдонида «Металлург» футболчилари билан учрашиб 3:0 ҳисобида ғолиб келди. Биринчи марта мастерлар сафида қатнашаётган «Шаҳрихон» командаси ҳам мавсумни ғалаба билан бошлади. Андижонликлар Тюменнинг «Нефтянник» командасини 4:2 ҳисобида енгдилар.

ХОККЕЙЧИЛАРНИНГ

БУТУНИТТИФОҚ

ТУРНИРИ

Мамлакатимизнинг тўрт шаҳрида «Советский спорт» газетаси соврини учун хоккейчилар турнири давом этмоқда. Тошкентнинг «Биноқор» спортчилари Қозон шаҳрида ўтаётган турнирда иштирок этишиб, мусобақанинг навбатдаги куни майдон эгалари — Уфицкий номидаги спорт клуби билан учрашдилар ва 6:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Кремль курантлари** (фильм-спектакль). 16.00 — Кинопрограмма. 16.30 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Грузия ССР. 17.00 — В. Иванов. «Бронепоезд 14-69». 17.45 — Совет қонунчилиги асослари. 18.15 — **«Орлёнок».** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Расмларда қўёш акси бор. 19.25 — Концерт. 19.35 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 20.35 — **Сенсиз дунё қоронғи** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.40 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.35 — Ҳужжатли фильм. 00.05 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Островский уйи (телеспектакль, 2-қисм). 13.35 — **Дала ҳовли** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.40 — Пионер-вожатийлар клуби. 19.15 — Ўзбекистонда. В. И. Ленинга қўйилган ҳайкаллар. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Ешлар овози (концерт). 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **«Олтин қўллар».** 22.45 — **Милтиқли киши** (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

19.05—Болалар учун фильм. 19.15 — Эстетика. 19.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.25 — **Янгиликлар.** 20.45 — **Стюардесса** (бадиий фильм). 21.20 — Назарий механика.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19|IV да **Дон Карлос,** 20|IV да **Оққуш кўли,** 22|IV да **Спартак.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20|IV да **Гулбаҳор қани?** 21|IV да **Жоним фидо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|IV да **Ишқ қурбонлари** (19.00), 20|IV да **Ишқ қурбонлари** (19.00), 21|IV да **Ун сакниз ёшлигим** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

Ўзбекистон КП Ҳамза район комитети ва район ижроия комитети Ҳамза район советининг кекса депутатларидан бири, район комитетининг аъзоси, 1927 йилдан буён КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер

Карим ХУДОЙБЕРДИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 08992. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1606.